ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.6.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИЛОВА НАРГИЗА ИКРОМАЛИЕВНА

ШАХС ПСИХОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА РЕФЛЕКСИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 152.32

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора психологических наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Psychological Sciences (DSc)

Халилова Наргиза Икромалиевна
Шахс психологик тараққиётини таъминлашда рефлексивликни ривожлантириш.....…….. 3

Халилова Наргиза Икромалиевна
Развитие рефлексивности в обеспечении психологического роста личности...…… ..... …….. 29

Khalilova Nargiza Ikromaliyevna
Development of reflexivity in ensuring personal psychological growth 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications..... 60

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.6.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИЛОВА НАРГИЗА ИКРОМАЛИЕВНА

ШАХС ПСИХОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА РЕФЛЕКСИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/P19 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psi-ik.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи	**Сафаев Нуриддин Салихович** психология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Жабборов Азим Мейлиқулович** психология фанлари доктори, профессор
	Абдуллаева Шоира Ҳамидовна психология фанлари доктори, профессор
	Абдуллаева Барно Сайфутдиновна педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Жиззах давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021. P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «____»_____куни соат_____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди. (2022 йил «____»_____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Акрамова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, доцент

Н.Б.Атабаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Т.Нишанова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда шахс ўзини ва ташқи дунёни тўлақонли англай олмаслиги, ўзининг имконият ва қобилиятларини адекват баҳоламаслиги, жамият ҳаётида ўз ўрни, мавқеига эга эмаслиги каби салбий ҳолатлар инсон омилига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Америка психиатрия ассоциацияси томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, инсонларнинг ўз-ўзига бўлган муносабатларидаги бузилишлар, ўзини ўзи назорат қила олмаслик, ўзини ўзи бошқара олмаслик, ёшлар ўртасида суицидиал ҳулқ содир этилишининг кескин ошиши, шахслараро муносабатлардаги агрессивлик ҳолати, инсон руҳиятидаги салбий ўзгаришлар, фаолият самарадорлиги кескин даражада пасайиб кетиши шахсда рефлексивлик хусусияти етарли даражада шаклланмаганлиги билан боғлиқлиги аниқланган[1]. Бу борада шахсда рефлексивликни ривожлантиришга эътибор қаратиш ва унга таъсир этувчи психологик омилларнинг ролини кучайтириш орқали ёшларда фаол фуқаролик позициясини ошириш натижасида жамият ҳаётига нисбатан таъсирчан механизмни таркиб топтириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда рефлексия, рефлексивлик, фаолият йўналиши, тафаккур психологияси, инсонлар ўртасида мулоқот жараёнини ташкил этиш, ҳамкорликдаги фаолият таркибида таълим фаолиятини ташкил этиш воситаси сифатида, генетик йўналиш, «тизимли-тафаккур-фаолият» ёндашуви, рефлексив жараёнларни ўрганишнинг метакогнитив парадигмаси, ўзини ўзи тушуниш ва ўзини ўзи англашнинг фундаментал механизмлари, бошқарувнинг рефлексив қонуниятлари борасидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг аввало, инсоннинг рефлексив қобилиятлари, ўзини ва ташқи дунёни англаш, адекват баҳолаш, ўзини ўзи назорат қилиш, тарбиялаш, бошқариш билан боғлиқ психологик омиллар психодиагностикаси ва психокоррекциясини амалга ошириш бўйича психологик муаммоларни аниқлаш асосида психолог мутахассис фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган масалаларига эътибор қаратиш зарурати кузатилмоқда.

Республикамизнинг сўнгги йилларида «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамияти шакллантирилишига қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари белгиланиб, зарурий асослари яратилмоқда: «Ёшларни ватанпарварлик фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида

[1] Library of Congress Cataloging in Publication Data. Diagnostic and Statistical Manual of Mental Disorders (DSM-5®)// American Psychiatric Association. – 5-8 th. Printing, 2019.

тарбиялаш[2]» вазифаларига асосланиб, шахсда рефлексивлик хусусиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришга қаратилган янгича назарий ечимларни топиш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси», 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон «Таълим тўғрисида» қонуни, 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, шунингдек, ушбу фаолият тизимига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[3].

Шахсда рефлексивликни ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг қуйидаги етакчи таълим ташкилотлари ва илмий марказларида, жумладан: Чапел Хиллдаги Шимолий Каролина университети (АҚШ), Нотре Даме Мериленд университети фармация мактаби (АҚШ), АҚШ миллий университети (АҚШ), Принстон университети (АҚШ), Еврик университети (Буюк Британия), Макс Планк номидаги Инсон мияси ва

---

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" http://lex.uz/docs/3107036

[3] АҚШнинг Чапел Хиллдаги Шимолий Каролина университети (https://www.unc.edu/), АҚШнинг Нотре Даме Мериленд университети фармация мактаби (https://www.ndm.edu/colleges-schools/school-pharmacy), АҚШ миллий университети (https://www.nu.edu/), АҚШнинг Принстон университети (https://www.princeton.edu/), Буюк Британиянинг Еврик университети (https://www.eureka.edu/), Макс Планк номидаги Инсон мияси ва когнитив фанлар институти (https://www.cbs.mpg.de/), Австралиянинг Эдит Кован университети (https://www.ecu.edu.au/), Кореянинг Сеул миллий университети (https://en.snu.ac.kr/), Хитойнинг Жануби-Ғарбий университет (https://www.southwestern.edu/chinese/), Таиланднинг Чулалонгкорн университети (https://www.chula.ac.th/en/), Эроннинг Теҳрон университети (https://www.ut.ac.ir/), Россиянинг Москва давлат педагогика институти (https://www.mgpu.ru/), Россиянинг Ярославль давлат университети (https://www.uniyar.ac.ru/), Россия Фундаментал тадқиқотлар Фонди (https://www.rfbr.ru/rffi/ru/), Россия Фанлар Академиясининг Психология институти (http://www.ipras.ru/).

когнитив фанлар институти (Германия), Эдит Кован университети (Австралия), Сеул миллий университети (Корея), Жануби-Ғарбий университет (Хитой), Чулалонгкорн университети (Таиланд), Теҳрон университети (Эрон), Москва давлат педагогика институти (Россия), Ярославль давлат университети (Россия), Россия Фундаментал тадқиқотлар Фонди (Россия), Россия Фанлар Академиясининг Психология институти (Россия) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда шахсда рефлексивлик ривожланишини ўрганишга қаратилган тадқиқотларга асосланиб, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўзини ўзи баҳолаш ва ўзини ўзи рефлексиялаш психологлар учун асосий компетенция ва касбий тайёргарликнинг асоси эканлиги аниқланган (Чапел Хиллдаги Шимолий Каролина университети, АҚШ), талабалик даврида рефлексивлик хусусиятини ривожлантиришга эмоционал интеллект даражасини оширишга қаратилган психокоррекцион дастурлар асосида эришилган (Нотре Даме Мериленд университети фармация мактаби, АҚШ), ўзини ўзи англашдаги ўзгаришлар текширилган (АҚШ миллий университети, АҚШ), ўсмирлик даврида ота-оналар ва ўзини ўзи англаш ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги ўзгаришлар лонгитюд ёндашув ёрдамида аниқланган (Принстон университети, АҚШ), шахс характеридаги чекловлар ва рефлексив гуруҳлар муносабатлари ўртасидаги ўзига хос ижтимоий-психологик уйғунликнинг таъминланиши усуллари такомиллаштирилган (Еврик университети, Буюк Британия), рефлексивлик шахснинг ўтмиш хотираларидан кўра, келажакка назар ташлаш билан кўпроқ боғлиқлиги тасдиқланган (Макс Планк номидаги Инсон мияси ва когнитив фанлар институти, Германия), талабаларда ўзи ҳақида қайғуриш механизмлари тадқиқ этилган (Эдит Кован университети, Австралия), таълим муҳитига нисбатан рефлексияни шакллантиришда психологик билимларнинг таъсири аниқланган (Сеул миллий университети, Корея), шахсдаги рефлексивлик ва ўзини ўзи англаш хусусиятларининг нейробиологик асослари тадқиқ этилган (Жануби-Ғарбий университет, Хитой), ўқув фаолиятида мунозарали дарсларни ташкил этиш талабалардаги рефлексивликнинг ривожланишига таъсир қилиши аниқланган (Чулалонгкорн университети, Таиланд), ўзини ўзи рефлексия қилиш стресс билан сезиларли салбий алоқадорликка эга эканлиги қайд этилган (Теҳрон университети, Эрон), шахсда рефлексивликни ривожлантиришнинг психологик мезонлари аниқланган (Москва давлат педагогика институти, Россия), шахс ривожланишида рефлексия даражасини аниқлашнинг психодиагностика методикалари яратилган (Ярославль давлат университети, Россия), замонавий таълим жараёнида ўқувчи фаолияти самарадорлигини таъминлашда рефлексивликка алоқадор шахслилик компонентларининг аҳамияти аниқланган (Россия Фундаментал тадқиқотлар Фонди, Россия), ўқувчи шахси шаклланишида рефлексиянинг таъсири тадқиқ қилинган (Россия Фанлар Академиясининг Психология институти, Россия).

Жаҳонда рефлексия, рефлексивлик муаммолари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда, жумладан, таълим муҳитига нисбатан рефлексивликни шакллантириш, замонавий таълим жараёнида ўқувчи фаолияти самарадорлигини таъминлашда рефлексивликка

алоқадор шахслилик компонентларининг таъсири, шахсда рефлексивлик шаклланганлигини аниқлашга қаратилган психодиагностик воситалар ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга тадбиқ этилиши, турли ёш даврларида рефлексивликнинг компоненти сифатида ўзини ўзи англашнинг тараққий этиши, ўзини ўзи рефлексиялаш, ўзини ўзи баҳолаш, эмоционал интеллект, шахс шаклланиши асосида унинг индивидуал имкониятларини яхшилаш, ўқув, касбий, коммуникатив, интеллектуал соҳаларда рефлексивликни ривожлантириш йўлларини аниқлаш масалаларига эътибор қаратиш зарурати кузатилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахс психологик тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи турли ёндашувлар фалсафий, психологик, педагогик, ҳуқуқий, маънавий, диний-фалсафий жиҳатдан жамият ҳаётини белгилайдиган муҳим омил сифатида ўтмиш мутафаккирларидан Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон», «Минерология», Абу Али ибн Синонинг «Рисолатут-тайр», Юсуф хос Ҳожиб «Қутадғу билиг», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул қулуб», асарларида шахс ўзини ўзи англаши, ўзини ўзи бошқариши, ўзини ўзи назорат қилиши, тарбиялаши, баҳолаши каби рефлексив жараёнлар ҳақидаги ғоялар илгари сурилган[4]. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қадимдан бошлаб, жамият тараққиёти ҳамда шахс ривожланишида рефлексивликнинг ўрни муҳим эканлиги эътироф этилган.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар рефлексия, рефлексивлик масалаларини ўзини ўзи назорат қилиш, шахс ўзини ўзи бошқаришнинг фикрлаш фаолиятига таъсири, ўқув фаолиятида ўзини ўзи бошқариш, оилада бола шахсида ўзини ўзи англашнинг шаклланиши, миллий ўзликни англаш, ўспиринлик даврида ижтимоийлашувнинг муваффақиятли омили сифатида Ш.В.Азизова, Б.Г.Гаппиров, М.Г.Давлетшин, Э.М.Мухторов, Х.А.Рухиева, Н.С.Сафаев, Р.И.Суннатова, А.А.Файзуллаев, Е.А.Хахлина, Ў.Б.Шамсиев, Э.Ғ.Ғозиев, М.Ҳакимовалар илмий тадқиқ этганлар[5]. Таҳлил кўрсатадики, республикамизда

---

[4] Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» Т. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашириёти, 1993, 204 бет, Абу Райҳон Беруний Минералогия. /Танланган асарлар. 2-жилд.−Т.: «1963», Абу Райҳон Беруний Ҳиндистон. /Танланган асарлар. 2-жилд.−Т.: «1963» Абу Райҳон Беруний Абу Али ибн Сина. Избранное. В 2-х томах. – Душанбе-Ашгабат, 2003. – 187 с.; Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг» – «Саодатга йўлловчи билим».«Фан», Т.,1971: Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Танланган асарлар. –Т. : Адабиёт ва санъат, 1983. – 83 б.

[5] Азизова Ш.В. Юқори синф ўқувчиларида ўқув фаолиятини бошқаришнинг психологик хусусиятлари /психология ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертацияси/ Тошкент – 1988 йил 145-бет., Гаппиров Б.Т. Талабаларда ахлоқий ўз-ўзини англашнинг ўқув жараёнидаги динамик тараққиёти психология фанлари номзоди, илмий даражасини олиш учун диссертация 1999 й. 133 б., Давлетшин М.Г. Танланган илмий ишлар тўплами. – Тошкент: ТДПУ, 2008, 81 б. Мухторов Э.М. Ўсмирлар гуруҳида ўзини ўзи психологик муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Психол. ф. н.дис...автореф – Т.:ТДПУ, 2009. –24 б. Рухиева Х.А. Психологические особенности самоуправления учебной деятельностью студентов. Автореф. дис....канд. психол. наук. Т.:ТГПИ, 1993. – 22 с. Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи. Автореф. дис...д. психол.наук. – Т.: НУУз, 2005. – 38 с. Суннатова Р.И. Индивидуально-типологические особенности мыслительной деятельности: Автореф. дис...д. психол. наук. – Т.: НУУз, 2001.–41 с. Файзуллаев А.А. Мотивационная саморегуляция личности. – Т.: Фан, 1987. – 136 с. Хахлина Э.А. Особенности рефлекции как фактор успешности социализатсии в юношском возрасте Диссертация на соискание ученой степени кандидата психологических наук Ташкент-2012 148 бет., Шамсиев Ў.Б. Оилада

рефлексивлик муаммосини илмий-амалий нуқтаи назардан ўрганиш даставвал таълим тизими учун амалга оширилган, кейинчалик ижтимоий масканлар, муассасалар тизими учун тадқиқ этилган, лекин шахс психик ривожланишида алоҳида психологик муаммо сифатида ўрганилмаган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида С.Л.Рубинштейн, Г.П.Шчедровицкий, М.А.Розов, В.А.Лефевр, В.В.Давидов, Ю.Н.Кулюткин, И.Н.Семенов, С.Ю.Степанов, Н.Г.Алексеев, А.В.Карпов, Я.А.Пономарёв, В.В.Занковлар рефлексив ўзини ўз англаш, ўзини ўзи тушуниш, ҳамкорликдаги фаолият, коммуникация муаммолари, тафаккур жараёни, рефлексив билимлар, ўз ҳаёт фаолиятини англаш, рефлексив фикрлаш фаолияти нуқтаи назаридан тадқиқотлар олиб боришган[6]. Шахсда рефлексивликнинг ривожланиши ёндош психологик ҳодисалар билиш жараёни, шахс хусусияти, фаолият соҳаларига устувор аҳамият берилган бўлишига қарамай, рефлексивликнинг шахс психологик тараққиётини таъминлашдаги омил эканлиги масаласи комплекс тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Хориж тадқиқотчиларидан A. Buzeman, D. Derner, M. Ekenberg, D. Frenems, R. Holland, M. Keller, M. Kepling, M. Mentey, J. Piaget, R. Rossa, D. Schon, M. Woodcocklар рефлексивлик муаммосини кенг доирада тадқиқ этган[7] бўлсалар-да лекин шахс тараққиётида рефлексивликнинг ўрни масалалари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот режаси мувофиқ «Шахс

мактабгача ёшдаги бола шахси ўзини ўзи англашининг ижтимоий психологик омиллари дисс.Тошкент – 2010 йил, 58-б. Газиев Э.Г. Психологические основы развития самоуправления учебной деятельностью у школьников и студентов: Автореф. дис... докт. психол. наук. – М.: МГУ, 1992. – 38 с. Хакимова М.Б. Формирование самоценки младщих подростков в трудовом обучение: Автореф. дис… канд.психол. наук. – М.: – 1989. – 22 с.

[6] Алексеев Н. Г. Рефлексия Доклад. — Летняя психологическая школа факультета психологии Московского Государственного Университета имени М. В. Ломоносова (ЛПШ–82, руководитель: И. И. Ильясов). // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 28.06.2011. Давыдов В.В., Слободчиков В.И., Цукерман Г.А. Младший школьник как субъект учебной деятельности //Вопросы психологии. – 1992. – № 3-4. – С. 14-19.; Карпов А.В. Психология рефлексивных механизмов деятельности. М.: ИП РАН, 2004. Кулюткин Ю.Н. Рефлексивная регуляция мышления // Деятельность и психические процессы: Тез. докл. к V Съезду Общества психологов СССР. М., 1977. С. 72-79. Лефевр В.А. Конфликтующие структуры. М.: Советское радио, 1973. Ротанова Р.А «Взаимосвязь показателей интелекта и когнитивной дифференцированности в зависимости от специализации обучения студентов» /Р.А.Ротанов// Психология интелекта и творчество, традиции и инновации: материалы научной конференции, посвященной памяти Я.А.Пономарёва и В.Н.Дружинина/ г.Москва, 7-8 октября 2019 г/ под.ред А.Г.Шеретнева-М.:ИПРАН 2010, с 162-170/ Рубинштейн, С.Л. Основ обще психологии: Учеб. [Текст] /С.Л. Рубинштейн. - СПб.: Питер, 2001. - 720 с. Семенов И.Н., Степанов С.Ю. Рефлексия в организации творческого мышления и саморазвитии личности //Вопросы психологии. 1983. № 2. Семенов И.Н., Степанов С.Ю. От психологии рефлексии к рефлексивной культуродигме психологии // Рефлексия в науке и обучении. – Новосибирск: ИФП СО РАН, 1989. – С. 144-153.

[7] Woodcock M., Francis D. Liberated Manager. For head-practice / M. Woodcock, D. Francis. – M.: The Case, 1991. – 320 p. Ross R. Richard Nisbett. The person and the situation: Perspectives of social psychology (2nd ed.). New York: cGraw-Hill, 2011. Holland R. Reflexivity // Human Relations. – 1990. –Vol. 52. – № 4. – P. 463–483. Manthey M. Reflective Practice//Creative Nursing. 2001. Schon D. Educating the reflective practitioner: toward a new design for teaching and learning in the professions, Josse-Bass, London, 1987.Vol. 7. Issue 2. P.3 – 5.

психологик тараққиётини таъминлашда рефлексивликни ривожлантириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади рефлексивликни ривожлантириш орқали шахс психологик тараққиётини таъминлаш имкониятларини аниқлаш, ўрганиш ва такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

индивидуал, ижтимоий ва онтопсихологик даражада рефлексивликнинг шахс структурасининг етакчи компонентлари ривожланишига комплекс таъсири очиб берилган;

рефлексивликни ривожланиши шахс ўзини ўзи англаши соҳасидаги асосий қисмларга дифференциал таъсирининг корреляцион қонуниятлари аниқлаштирилган;

шахсда рефлексивликни ривожлантиришга муаллифлик модели-уч устувор стратегия ҳақидаги тасаввурлар асосида ёндашишнинг самарадорлиги асосланган;

рефлексивликнинг шахс касбий камолоти учун принципиал аҳамияти бўлган таъсири профессионал-рефлексив компетентлик категориясини тадбиқ этиш асосида изоҳланиш самарадорлиги кўрсатиб берилган;

ўсмирлик ва ўспиринлик ёш даврларида рефлексивликнинг етакчи стратегиялари ҳақидаги тасаввурга асосланиб, шахс соҳасига коррекцион-ривожлантирувчи таъсир кўрсатишнинг янги мазмундаги амалий-услубий таъминоти шакллантирилган.

Тадқиқот объекти сифатида шахс психологик тараққиётини таъминлашда рефлексивликни ривожлантириш жараёни бўлиб, 448 нафар талаба ҳамда 173 нафар ўқувчи жами 661 нафар респондент танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини рефлексивликнинг намоён бўлиш қонуниятлари ва шахс структураси компонентлари билан алоқасини ўрганиш асосида уни ривожлантириш усулларини такомиллаштириш имкониятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қуйидаги методикалар қўлланилди: А.А.Реаннинг «Муваффақиятга интилиш ва муваффақиятсизликдан қочиш» сўровномаси, Г.С.Никифоровнинг «Тафаккур типини аниқлаш» тести, С.К.Нартова-Бочавернинг «Психологик олам мустақиллиги» сўровномаси, В.В.Пономарёванинг «Рефлексивлик даражасини аниқлаш» методикаси, М.Снайдернинг «Мулоқотда ўзини ўзи бошқариш даражасини аниқлаш» сўровномаси, Е.В.Залюбовскаянинг «Ўсмир томонидан синфнинг идрок этилишига хос хусусиятларини ўрганиш» методикаси, М.Розенбергнинг «Ўзини ўзи ҳурмат қилиш» шкаласи, С.Холлнинг «Ижтимоий интеллект» сўровномаси, К.Изарднинг «Дифференциал эмоциялар шкаласи» методикаси, Г.Мюнстенбергнинг «Мюнстенберг тести», муаллифлик ишланмаси «Рефлексивликнинг устувор стратегияларини аниқлаш» сўровномаси шунингдек, маълумотларни қайта ишлашнинг математик-статистика методлари (Стьюдентнинг-t мезони ҳамда К.Пирсоннинг r – корреляция коэффициенти) методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шахс онтогенетик тараққиётига кўра, ўзини ўзи англашнинг когнитив, персоналистик (ички индивидуал олам координацияси), ижтимоий-психологик хусусиятларини интероспектив (ўзини ўзи таҳлил қилиш, ўзини ўзи тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш, иродавий ўзини ўзи бошқариш) жараёнларга устуворлик бериш орқали «Мен» образини аутентет баҳолашни мўътадиллаштириш натижасида рефлексив ривожланишнинг концептуал модели «ўз-ўзига йўналганлик» компонентини бириктириш асосида такомиллаштирилган;

шахс рефлексивлик йўналишларини ижтимоий интеллектда ифодаланиши ретроспектив, реал, идеал «Мен» ни ижтимоий перцептив қобилиятлар, ижтимоий тафаккур, ижтимоий хаёл билан интеграцияси туфайли дифференциал кўп векторли таъсирга эга эканлиги асосланган;

шахс субъектив оламининг интрапсихик функциясини эмоционал ҳолатлар (ҳиссий тон, кайфият, стеник ҳислар) билан уйғунлашуви ҳиссиётлар дифференциациясининг қадриятлар трансформацияси таъсирида интенсивлашувига асосланиб, шахсий рефлексияни ривожлантирувчи психоэмоционал омил эканлиги далилланган;

рефлексивлик хусусиятини профессионал фаолиятга таъсири натижасида экстраверт, интроверт, амбиверт типларининг ривожланишига конструктив ўз-ўзига муносабатни сингдириш муҳимлигига кўра, «Рефлексивликнинг устувор стратегияларини аниқлаш» муаллифлик методикасини шахс психодиагностикасида қўллаш самарали эканлиги асосланилган;

шахсда ўзини ўзи англаш компонентларига психокоррекцион таъсир кўрсатишда шахсий-семантик майдондаги интрапсихик рефлексиянинг когниция, конация жиҳатларини кучайтиришга асосланиб, «бошқаларга йўналганлик», «дуплекс (икки томонлама)» типидаги рефлексивлик стратегиялари устувор характерга эга эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

рефлексивликнинг ёш, индивидуал психологияга хос, ижтимоий-психологик хусусиятларини билиш асосида психологик хизмат йўналишини белгилаш имконияти яхшиланган;

шахсда рефлексивликнинг устувор стратегиясини аниқлаш, унинг даражасини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

рефлексивликни ривожлантириш учун шахсга психологик-педагогик таъсир кўрсатишга хизмат қилувчи усуллар ва амалий материаллар дастурий шаклда тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацион изланиш натижаларининг ишончлилиги унда илмий жиҳатдан асосланган, халқаро миқёсда тан олинган методик воситалар, математик-статистиканинг аниқ методлари қўллангани, синалувчилар танланма тўпламининг ҳажми ва унинг репрезентативлиги, эмпирик изланишлар назарий чуқур асослаб берилгани,

аниқланган кўрсаткичларнинг бошқа муаллифлар тақдим этган маълумотлар билан қиёсий таҳлил этилиб, бунда ишончли манбаларга асосланганлиги, асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилингани билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, педагогика ва психология йўналишларида шахсда рефлексивликни ривожлантиришнинг устувор стратегияларини аниқланганлиги, ўрганилганлиги, такомиллаштирилганлиги ва тадқиқ этилган муаммога оид илмий тушунча, тасаввурларни кенгайтириши, шунингдек, рефлексивлик жараёнини аниқлашга хизмат қилувчи муваффақиятга интилиш ва муваффақиясизликдан қочиш, тафаккур типи, психологик олам мустақиллиги, мулоқотда ўзини ўзи бошқариш, шахсни идрок қилиш механизмлари, ўзини ўзи ҳурмат қилиш, ижтимоий интеллект, эмоциялардаги дифференциаллик каби психологик усулларни моҳият ва тушунчаси очиб берилганлиги, шахсда рефлексивликни ривожлантиришга доир илмий хулосалардан ривожланиш ва шахс психологияси йўналишларидаги тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган тажрибавий, эмпирик маълумотлардан шахсда рефлексивликни ривожлантириш жараёни самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги, олинган натижалар ва илгари сурилган ғоялар шахс ривожланишини концептуал назариясини шаклланишига хизмат қилиши, назарий умумлашма ва таҳлилларда шахсда рефлексивлик ривожланишини текширишга мўлжаллаган методикалардан фойдаланишда, турли ёш даврларида олиб бориладиган психологик профилактика ва психологик коррекция йўналишини аниқлаштиришда, шунингдек, «Психология назарияси ва тарихи», «Ривожланиш психологияси ва педагогик психология», «Психодиагностика ва экспериментал психология», «Психологик тренинг асослари», «Психологик хизмат. Психокоррекция», «Умумий психология», «Тараққиёт психологияси ва дифференциал психология», «Умумий психодиагностика», «Социал психологик тренинг» фанларидан ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда психологик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та республика ва 6 та халқаро илмий конференцияларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий натижалари бўйича 2 та монография, 16 та илмий мақола, (12 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия этилган журналларда), шу жумладан, хорижий журналларда 4 та (инглиз тилида 1 та) мақола, конференция ва семинар материаллари тўпламларида 11 та, шу жумладан, хорижий халқаро анжуманлар тўпламларида 6 та маъруза тезиси чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги асосланган, диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув юрти илмий-тадқиқот режалари билан алоқадорлиги очиб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилиги баён этилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг тадбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Рефлексивликни ўрганишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланиб, унда рефлексия ва рефлексивлик тушунчаларининг илмий таҳлили, рефлексивликни психологик тадқиқотларда ўрганиш тажрибаси, психик тараққиёт муаммолари доирасида рефлексивликни тадқиқ қилиш анъаналарига доир масалаларни ёритишга эътибор қаратилган. Дастлаб рефлексия тушунчасига фалсафий, педагогик, психологик нуқтаи назардан ёндашувлар мазмуни ёритилган. Жумладан, рефлексия инсоннинг ўзини ўзи таҳлил қилиш, ўзини ўзи мушоҳада қилиб кўриш, ўзи ҳақида қайта-қайта фикр юритиш қобилияти сифатида ўзини ўзи англаш жараёнини фаоллаштириши, «Мен» -концепциясини бойитиши ҳамда шахс ўзини ўзи такомиллаштиришнинг муҳим омили саналиши (А.Г.Асмолов ва В.П.Зинченко) қайд этилади. Айни вақтда тадқиқот ишимиз А.В.Карповнинг рефлексия – бу фақат инсонга хос бўлган ноёб хусусият, шу билан бирга ниманидир англаш психикага шахсий мазмун бериш жараёни (А.В.Карпов, 2004), деган нуқтаи назарига асослангани кўрсатилади.

Рефлексивлик муаммосини психологик тадқиқотларда ўрганиш тажрибасини таҳлил этишда дастлаб Шарқ алломаларидан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Қошғарий, Унсурулмаолий Кайковус, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Жалолидин Давоний ва бошқаларнинг илмий мероси ўрганилган. Хусусан, Шарқнинг қомусий олимлари томонидан рефлексия масаласи шахсда ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи баҳолаш билан алоқадорликда очиб берилгани қайд этилган.

Биринчи бобнинг асосий қисми файласуфлар (Аристотель, Платон, Дж.Локк, Г.В.Лейбниц, И.Г.Фихте, Р.Декарт, В.В.Бажанов, А.П.Огурцов, И.Н.Семенов, К.И.Степанов, В.С.Швирев, Э.Г.Юдин, В.А.Лекторский), педагоглар (А.С.Обухов, И.В.Ипполитова, Н.Стерхова, В.И.Слободчиков, Г.С.Суховская, Л.Л.Горбунова), психологлар (С.Л.Рубинштейн, С.В.Кравцов,

Б.Г.Ананьев, Л.С.Виготский, Л.Н.Леонтьев, В.А.Лефевр, Г.Л.Смолян, И.С.Ладенко, В.В.Давидов, Н.Г.Алексеев, А.З.Зак, В.Е.Липский, Г.М.Андреева, Ю.Н.Кулюткин, Я.А.Пономарёв, Л.А.Петровская, С.Д.Неверкович, А.А.Тюков, С.Ю.Степанов, Б.В.Сазонов, О.С.Анисимов, Ю.В.Громико, В.Е.Лепский, А.А.Деркач, В.М.Дюков, А.В.Карпов, И.М.Войтик, Г.И.Давидова, Е.П.Варласова) томонидан рефлексивликнинг турли жиҳатлари илмий ва назарий томонидан ўрганилиши таҳлилига бағишланган.

Ўзбекистон психологларидан М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Р.И.Суннатова, А.А.Файзуллаев, Н.С.Сафаев, Х.А.Рухиева, Э.М.Мухторов, А.Р.Вильданова, Э.А.Қулжанов, Б.Н.Сирлиев, М.Б.Ҳакимова, С.М.Юлдашева, Б.Т.Гаппиров, Ш.В.Азизова, Ў.Б.Шамсиев, Е.А.Хахлина илмий ишларида рефлексивлик муаммолари ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи психологик муҳофаза қилиш, миллий ўзликни англаш, мотивацион ўзини ўзи бошқариш, ўқув фаолиятида ўзини ўзи бошқариш тизими, ахлоқий ўзини ўзи англаш нуқтаи назаридан изоҳлаб берилгани биринчи бобда ёритилган.

Диссертациянинг биринчи бобида, шунингдек, рефлексивликнинг онтогенетик жиҳатлари алоҳида кўриб чиқилган. Бу ерда шахс шаклланиши, ривожланиши ва камолга етиши билан боғлиқ ривожланиш психологияси доирасида ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолаш каби жараёнлар билан уйғун ҳолда ривожланаётган рефлексивлик мактабгача тарбия, кичик мактаб, ўсмирлик ва ўспиринлик даврлари нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган. Бунда асосий эътибор шахс ривожланишининг турли босқичларида рефлексивликнинг намоён бўлиши, даражаси, унинг ёндош ҳодисалар билан алоқадорлик масалалари текширилган. Бизнинг тадқиқотда хусусан, турли ёш даврларида рефлексивликнинг ривожланганлик даражасини текшириш мақсадида «Рефлексивлик даражасини аниқлаш» (В.В.Пономарёва) методикаси ва «Рефлексивликнинг устувор стратегияларини ўрганиш» сўровномаси ёрдамида эмпирик маълумотлар олинди.

1-жадвалда келтирилган натижаларга кўра, рефлексивликнинг устувор стратегияларидан ўз-ўзига йўналганлик бошқа инсонларга йўналганлик билан аҳамиятли даражада ($r=0,46$; $p\leq0,01$) алоқадорликка эга эканлиги маълум бўлди (1-жадвалга қаранг). Таъкидлаш жоизки, инсонларнинг ҳар қандай фаолияти кўпроқ бошқаларга нисбатан тақлид қилиш, уларнинг хатти-ҳаракат, хулқ-атворларини баҳолаш орқали амалга ошади.

Аниқланишича, бошқа инсонларга йўналганлик ўз-ўзига йўналганлик ($r=0,46$; $p\leq0,01$), келажакдаги фаолиятга рефлексия ($r=0,10$; $p\leq0,01$) билан мустаҳкам алоқадорликка эга экан. Таъкидлаш жоизки, синалувчилар гуруҳида ўз-ўзига йўналганликнинг устувор бўлиши табиий ҳисобланади. Зеро, инсон ўзидаги ижобий ёки салбий хулқ-атворларни шакллантиришда ота-она, атрофдаги инсонлар, тенгдошлари ўрнак, намуна вазифасини ўтайди. Айниқса,

бошқа инсонларга йўналганлик келажакдаги фаолиятга рефлексия билан алоқадорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

1-жадвал

Синалувчиларда рефлексивлик йўналишлари ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари
(К.Пирсон корреляция мезони бўйича)

Рефлексивлик йўналишлари	Ўз-ўзига йўналганлик	Бошқа инсонларга йўналганлик	Ўтмишдаги фаолиятга йўналганлик	Ҳозирги фаолиятга йўналганлик	Келажакдаги фаолиятга йўналганлик	Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга
Ўз-ўзига йўналганлик	1	0,46**	-0,001	-0,03	0,04	-0,04
Бошқа инсонларга йўналганлик	0,46**	1	-0,01	-0,009	0,10**	0,05
Ўтмишдаги фаолиятга йўналганлик	-0,001	-0,01	1	0,36**	0,28**	0,10*
Ҳозирги фаолиятга йўналганлик	-0,03	-0,009	0,36**	1	0,29**	0,12**
Келажакдаги фаолиятга йўналганлик	0,04	0,10**	0,28**	0,29**	1	0,13**
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	-0,04	0,05	0,10*	0,12**	0,13**	1

Изоҳ: *p≤0,05, ** p≤0,01

Дарҳақиқат, ҳар қандай шахс келажакдаги фаолиятга интилиши ўзгаларнинг эришган омад ва муваффақиятларини таҳлил қилиши асосида юз беради. Шу нуқтаи назардан олганда, инсонлар касбий фаолиятларини олдиндан кўра олиши ҳамда ривожлантириши, таҳлил қилишида бошқаларнинг образи аҳамиятли ҳисобланади.

Ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ҳозирги фаолиятга рефлексия (r=0,36; p≤0,01), келажакдаги фаолиятга рефлексия (r=0,28; p≤0,01) бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия (r=0,10; p≤0,05) билан аҳамиятли даражада алоқадорликка эга эканлиги кузатилади. Хусусан, ўтмишдаги фаолиятга рефлексиянинг ортиши улардаги келажакдаги фаолиятни режалаштира олиш, ҳозирги кундаги таълим, меҳнат фаолиятларидан қониққанлик ҳамда инсонлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ҳамда мулоқот жараёнлари билан узвий боғлиқ.

Ҳозирги фаолиятга рефлексия ўтмишдаги фаолиятга рефлексия (r=0,36; p≤0,01), келажакдаги фаолиятга рефлексия (r=0,29; p≤0,01), бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия (r=0,12; p≤0,01) билан ҳам ўзаро алоқадорликка эга эканлиги тадқиқот натижаларидан аниқланди. Бундан кўринадики, ҳозирги фаолиятга бўлган рефлексия мотивация ва ўзини ўзи англаш шаклида намоён бўлади ва субъектнинг вазиятга бевосита жалб қилиниши унинг элементларини тушуниш, юзага келаётган воқеа-ҳодисаларни англаш ҳамда таҳлил этишини таъминлайди.

Келажакдаги фаолият тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни уларнинг ривожланиши ҳақидаги ўй-қарашларни режалаштириш, амалга оширишнинг энг самарали усулларини танлаш ҳамда мумкин бўлган натижаларни ташхислашни келажакдаги фаолиятга рефлексия ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан келажакдаги фаолиятга рефлексия бошқа инсонларга йўналганлик (r=0,10; p≤0,01) ўтмишдаги фаолиятга рефлексия (r=0,28; p≤0,01) ҳозирги фаолиятга рефлексия (r=0,29; p≤0,01), бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия (r=0,13; p≤0,01) билан кучли даражада алоқадорликка эга эканлиги қайд этилди. Тадқиқотда иштирок этган синалувчиларнинг бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия ҳозирги фаолиятга рефлексия (r=0,12; p≤0,01), келажакдаги фаолиятга рефлексия (r=0,13; p≤0,01) кучли даражада ўтмишдаги фаолиятга рефлексия (r=0,10; p≤0,05) билан аҳамиятли даражада боғлиқликка эга эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Рефлексивлик ва интеллект ривожланишининг интеркорреляция хусусиятлари**» деб номланиб, унда интеллектуал фаолият тараққиётининг психологик омиллари, рефлексивлик ривожланишининг алоҳида билиш жараёнлари тараққиётидаги роли, умумий интеллектуал фаолият ва рефлексивлик ривожланишининг ўзаро алоқаси хусусиятларини ўрганишга асосий эътибор қаратилган. Шахсда рефлексивликнинг намоён бўлиши интеллектуал соҳа билан алоқадорлиги интеллектнинг моделли омиллари, когнитив моделлари, Р.Стернбергнинг интеллект назарияси, М.А.Холоднаянинг когнитив ёндашуви, В.Н.Дружининнинг ижодий қобилиятлар ҳақидаги қарашлари, Д.Б.Богоявленскаянинг креативлик, З.И.Калмикова бўйича таълим олувчиларнинг ривожланиш мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Маълумки, ўсмирлик ва талабалик даврида диққат хусусиятлари ривожланганлиги уларда рефлексивлик билан боғлиқлигини аниқлаш мақсадида диққатни ўрганишга қаратилган «Мюнстенберг тести» (Г.Мюнстенберг), «Рефлексивликнинг устувор стратегияларини аниқлаш» (муаллифлик ишланмаси) ва «Рефлексивлик даражасини аниқлаш» (В.В.Понамарёв) методикалари ҳамда сўровномаси ўтказилди.

Жадвал (2-жадвал)да келтирилган маълумотларни қиёсий жиҳатидан таҳлил қиладиган бўлсак 3-босқич талабаларида ўз-ўзига йўналганлик диққат жараёни билан аҳамиятли даражада алоқадорликка эга эканлиги кузатилади (r=0,15; p≤0,05). Натижалар мазкур типдаги инсонларда ўзига нисбатан диққат-эътиборнинг кучли эканлигидан далолат беради. Ўсмирлар гуруҳида

келажакдаги фаолиятга рефлексия диққат жараёни билан (r=0,17; p≤0,05) аҳамиятли муносабатга эга эканлиги кузатилади. Маълумки ўсмир ўқув фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатлари келажакда илгари сурилган мақсадлари билан тақазоланади.

2-жадвал

Шахсда рефлексивлик йўналишлари ва диққат жараёни алоқадорлиги

Рефлексивлик йўналишлари	Синалувчилар диққат кўрсаткичлари		
	Ўсмирлар	1-босқич талабалари	3- босқич талабалари
Ўз-ўзига йўналганлик	0,06	0,05	0,15*
Бошқа инсонларга йўналганлик	0,01	0,003	0,09
Ўтмишдаги фаолиятга йўналганлик	-0,01	0,03	0,11
Ҳозирдаги фаолиятга йўналганлик	0,12	-0,05	-0,02
Келажакдаги фаолиятга йўналганлик	0,17*	0,02	0,08
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	-0,05	0,05	-0,03

Изоҳ: *p≤0,05

Тадқиқотимизда кўзланган навбатдаги вазифалардан бири ўсмир ва ўспиринлик даврида рефлексивлик йўналишлари ва тафаккур жараёнининг предметли-амалий, мавҳум-рамзий, сўз-мантиқий ва яққол-образли турлари билан алоқадорлигини текширишдир. Бунинг учун танлаб олинган синалувчилар гуруҳида Г.С.Никифорова томонидан ишлаб чиқилган «Тафаккур типини аниқлаш» тести ёрдамида тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Тадқиқот натижаларига кўра (3-жадвалга қаранг), ўз-ўзига йўналганлик мавҳум-рамзий тафаккур билан кучли даражада (r=0,12; p≤0,01) алоқадорликка эга эканлиги кузатилди. Маълумки, мавҳум-рамзий тафаккур типи устувор бўлган инсонларда маълумотни қўл билан ушлаб ва тасаввур қилиб бўлмайдиган белги, рамз, кодлар ва формулалар орқали ўзлаштириб оладиган ҳамда мавҳум фикрлаш малакаси юқори бўлади. Шунинг учун ҳар қандай ўз-ўзига йўналган инсонларда нарса ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш, тушуниш билан боғлиқ қобилиятнинг ривожланиши табиий ҳисобланади. Ушбу тафаккур типининг кучли ривожланиши инсонда илм-фаннинг турли йўналишларида ихтиро, кашфиётларни яратишга нисбатан қобилияти юқори эканлигидан далолат беради.

Ўтмишдаги фаолиятга рефлексия предметли-амалий тафаккур билан (r=-0,08; p≤0,05) мавҳум-рамзий тафаккур билан ҳам (r=-0,08; p≤0,05) салбий алоқадорликка эга эканлиги аниқланди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, шахс

ҳозирги кунда эришган ютуқ, муваффақият ва муваффақиятсизликлар моҳиятини англаб етишда ўтмишда амалга оширилган фаолият жараёнларини таҳлил қилиши муҳим саналади. Ўз навбатида ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ортиши мавҳум-рамзий тафаккур пасайишига олиб келиши ёки, аксинча, бўлиши мумкин.

3-жадвал

Тафаккур типлари ва рефлексивлик йўналишлари ўртасидаги корреляцион муносабат хусусиятлари (К.Пирсон корреляция мезони бўйича)

Рефлексивлик йўналишлари	Тафаккур типлари			
	Предметли -амалий	Мавҳум -рамзий	Сўз-мантиқий	Яққол-образли
Ўз-ўзига йўналганлик	0,009	0,12**	0,06	0,01
Бошқа инсонларга йўналганлик	0,006	0,07	0,01	0,02
Ўтмишдаги фаолиятга йўналганлик	-0,08*	-0,08*	0,05	-0,01
Ҳозирги фаолиятга йўналганлик	-0,12**	-0,09*	-0,14**	-0,16**
Келажакдаги фаолиятга йўналганлик	-0,13**	-0,17**	-0,18**	-0,09*
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	-0,004	-0,05	-0,03	-0,004

Изоҳ: *p≤0,05, ** p≤0,01

Илмий текширув натижаларига кўра, ҳозирги фаолиятга рефлексия предметли-амалий тафаккур (r=-0,12; p≤0,01) сўз-мантиқий тафаккур (r=-0,14; p≤0,01), яққол образли тафаккур билан (r=-0,16; p≤0,01) юқори даражада алоқадор ҳамда мавҳум-рамзий тафаккур билан аҳамиятлилиги тескари пропорцияга эга. Шунингдек, келажакдаги фаолиятга рефлексия предметли-амалий тафаккур (r=-0,13; p≤0,01), мавҳум-рамзий тафаккур (r=-0,17; p≤0,01) ва сўз-мантиқий тафаккур (r=-0,18; p≤0,01) яққол-образли тафаккур билан (r=-0,09; p≤0,05) манфий боғланишга эга. Хусусан, рефлексивлик мазкур турларининг ортиши тафаккур турлари ривожланишига тўсқинлик қилса, аксинча, предметли-амалий, мавҳум-рамзий, сўз-мантиқий, яққол-образли тафаккур турлари ривожланиши рефлексивлик хусусиятлари яққол тарзда намоён бўлмаслигига олиб келади.

Маълумки, ижтимоий интеллект инсонлар билан муваффақиятли мулоқот қилишни таъминлайдиган ўзига хос билиш қобилияти сифатида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий интеллектнинг асосий вазифаси хулқ-атворни олдиндан кўра олишдир. Айнан тадқиқотимиз жараёнида шахсдаги рефлексивлик хусусияти ва ижтимоий интеллект ўртасидаги муносабат

хусусиятларини текшириш мақсадида С.Холлнинг «Ижтимоий интеллект» методикаси ўтказилиб, эмпирик маълумотлар тўпланди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Ижтимоий интеллект компонентлари ва рефлексивлик йўналишлари ўртасидаги алоқадорлик
(К.Пирсон корреляция мезони бўйича)

Рефлексивлик йўналишлари	Ижтимоий интеллект компонентлари				
	Ўзини ўзи англаш	Ўзини ўзи бошқариш	Эмпатия	Ўзаро таъсир кўникмаси	Ўзини ўзи мотивация-лаш
Ўз-ўзига йўналганлик	0,04	0,03	-0,001	-0,01	-0,003
Бошқа инсонларга йўналганлик	0,04	0,03	0,04	-0,04	-0,01
Ўтмишдаги фаолиятга йўналганлик	0,07	0,08*	0,10*	-0,05	0,07
Ҳозирги фаолиятга йўналганлик	0,03	0,05	-0,02	-0,03	0,09*
Келажакдаги фаолиятга йўналганлик	0,08*	0,03	0,04	-0,05	0,04
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	0,05	-0,01	0,02	-0,05	0,05

Изоҳ: *$p \leq 0,05$

Жадвал (4-жадвал) да келтирилган натижаларга кўра, ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ўзини ўзи бошқариш ($r=0,08$; $p \leq 0,05$), эмпатия билан ($r=0,10$; $p \leq 0,05$) аҳамиятли даражада алоқадорликка эга. Таъкидлаш жоизки, инсон томонидан ўтмишда амалга оширилган фаолият доимий равишда таҳлил қилинади. Натижада инсон ҳар қандай фаолият жараёнида ўзини ўзи бошқариши, ўзгаларга ҳамда ўзига нисбатан ҳамдардлик ҳисси юзага келади. Шунингдек, ҳозирги фаолиятга рефлексия ўзини ўзи мотивациялаш билан ($r=0,09$; $p \leq 0,05$) ўзаро алоқадорликка эга эканлиги тажриба натижаларидан аниқланди. Ҳозирги кундаги ҳар қандай фаолият инсондан табиий равишда ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи намоён қилиш, ўз имкониятларини кўрсатишга ўзини ўзи мотивлаштиришни талаб қилади. Албатта, мазкур жараёнда фаолиятдан кутилаётган натижа ва самарадорлик кўрсаткичлари муҳим саналади.

Тадқиқот натижаларига кўра, келажакдаги фаолиятга рефлексия ўзини ўзи англаш билан алоқадорликка эга эканлиги ($r=0,08$; $p \leq 0,05$) маълум бўлди. Маълумки, ўсмир ва ўспиринлик даврида шахснинг ўзини ўзи англаш жараёни

шаклланиши давр хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос тарзда ҳамда адекват кўринишга эга бўлиб боради. Шу боис, шахсда ўзини ўзи англаш тизими қай даражада тараққий этган бўлса, бу келажакка нисбатан юксак мақсад ва режаларнинг қўйилишида яққол акс этади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Рефлексивлик тараққиёти шахс ривожланиши омили сифатида**» деб номланиб, унда шахс тараққиётининг асосий психологик манбалари, рефлексивлик ривожланишининг шахс индивидуал психологик тараққиётидаги ўрни, шахс ижтимоий муносабатлар субъекти сифатидаги тараққиётида рефлексивлик ривожланишининг аҳамияти каби масалаларни таҳлил қилишга эътибор қаратилади. Дастлаб ўсмир ва ўспиринлар гуруҳида рефлексивлик йўналишлари ва психологик олам мустақиллиги ўртасидаги муносабат хусусиятларини текширишга ҳаракат қилинди. Маълумки, психологик олам мустақиллиги С.К.Нартова-Бочавер фикрига кўра, «Борлиқнинг субъектив аҳамиятга эга бўлган феномени, яъни инсон бой ҳаётидан ажралиб чиққан энг муҳим ҳаётий стратегияси ва долзарб фаолиятидир. Психологик олам инсон ўзини айнанлаштирадиган табиий, ижтимоий ва соф психологик ҳодисалар (ҳудуд, предметлар, боғлиқлик, установкалар) йиғиндисидан иборат. Субъект учун шахсиятли мазмунга эга бўлган тақдирдагина у қадрли бўлади, шунинг учун ҳам психологик олам психологик ва табиий воситалар билан ҳимояланади» (С.К.Нартова-Бочавер, 2004). Айнан психологик олам мустақиллиги ва рефлексивлик йўналишлари ўртасидаги алоқадорликни текшириш мақсадида С.К.Нартова-Бочавер томонидан ишлаб чиқилган «Психологик олам мустақиллиги» сўровномаси танлаб олинган гуруҳда ўтказилиб, олинган маълумотлар таҳлил қилинди (5-жадвалга қаранг).

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, ўз-ўзига йўналганлик қадриятлар мустақиллиги билан ($r=-0,10$; $p\leq0,01$) кучли даражада тескари алоқадорликка эга бўлса, жисмоний тана мустақиллиги ($r=-0,08$; $p\leq0,05$) ҳудуд мустақиллиги ($r=-0,09$; $p\leq0,05$) нарса буюмлар оламининг мустақиллиги ($r=-0,09$; $p\leq0,05$) билан ҳам аҳамиятли даражада қарама-қарши алоқадорлик қайд этилади. Айни вақтда бошқа инсонларга йўналганлик шахс жисмоний танасининг мустақиллиги ($r=-0,14$; $p\leq0,01$), нарса буюмлар оламининг мустақиллиги ($r=-0,10$; $p\leq0,01$) билан мустаҳкам даражада тескари пропорцияга эга бўлса, қадриятлар мустақиллиги билан ($r=-0,08$; $p\leq0,05$) салбий даражадаги боғланиш аниқланди. Шу ўринда айтиш лозимки, ўз-ўзига йўналганликнинг ортиши улардаги қадриятлар тизимига таъсир кўрсатади. Чунончи қадриятлар тизими шахс йўналганлигининг таркибий қисми саналади.

Ўсмир ва ўспиринлар гуруҳида ўтказилган методика натижаларига кўра, ўтмишдаги фаолиятга рефлексия инсон жисмоний танасининг мустақиллиги билан тескари алоқадорликка эга эканлиги ($r=-0,08$; $p\leq0,05$) аниқланди.

Маълумки, шахс камолга етиши жараёнида бир қатор имкониятларга эга бўлиб боради. Фаолият жараёнидаги ютуқ, омад ва муваффақиятлари ундаги жисмоний ривожланиш даражаси билан уйғун ҳолда кечиши кузатилади. Шу

нуқтаи назардан ўтмишдаги фаолият рефлексияси ва жисмоний тана мустақиллиги ўртасида нотурғун муносабат юзага келади.

5-жадвал

Шахсда субъектив олам мустақиллиги ва рефлексивлик йўналишлари ўртасидаги муносабат хусусиятлари (К.Пирсон корреляция мезони бўйича)

Рефлексивлик йўналишлари	Субъектив олам мустақиллиги соҳалари					
	жисмоний	ҳудуд	нарса	одат	алоқа	қадрият
Ўз-ўзига йўналганлик	-0,08*	-0,09*	-0,09*	-0,02	-0,03	-0,10**
Бошқа инсонларга йўналганлик	-0,14**	-0,07	-0,10**	-0,07	-0,02	-0,08*
Ўтмишдаги фаолиятга йўналганлик	-0,08*	0,02	0,06	0,000	-0,009	0,06
Ҳозирги фаолиятга йўналганлик	0,12**	0,04	0,009	0,01	0,03	0,02
Келажакдаги фаолиятга йўналганлик	0,04	0,03	0,07	-0,02	-0,004	0,12**
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	-0,01	0,05	0,02	-0,002	0,01	0,05

Изоҳ: *$p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

Ҳозирги фаолиятга рефлексия жисмоний тана мустақиллиги билан ($r=0,12$; $p \leq 0,01$) ижобий алоқадорликка эга эканлиги тажриба натижаларидан кузатилди. Эмпирик текширув натижаларига кўра, ҳозирги кунда ёшларнинг таълим ва меҳнат фаолиятидаги муваффақиятлари кўп жиҳатдан улардаги жисмоний мустақиллик билан боғлиқлиги қайд этилади. Шунингдек, келажакдаги фаолиятга рефлексия шахсдаги қадриятлар мустақиллиги билан ($r=0,12$; $p \leq 0,01$) кучли даражада аҳамиятлиликка эга эканлиги маълум бўлди. Қадриятлар мустақиллиги инсон турмушининг дунёқараш жиҳатини ўзида акс эттиради, ҳаёт стратегиясини белгилаб, унинг учун аҳамиятли бўлган объектларни тақдим этади. Албатта, инсон томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган фаолият ўз-ўзидан уларда дунёқарашнинг кенгайиши, ҳаёт тарзи ўзгариши ва унга нисбатан креатив ёндашув, шахсий масъулиятлилик кучайишига сабаб бўлади.

